

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

КАХОРОВА КОМОЛА АЗАМАТОВНА

**ОҚСИЛ-ПЕПТИД ТАБИАТЛИ МОДДАЛАРНИ ТАВСИФЛАШДА
ҲУЖАЙРА КУЛЬТУРАСИ МОДЕЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**02.00.10-Биоорганик кимё
(биология фанлари)**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кахорова Комола Азаматовна

Оқсил-пептид табиатли моддаларни тавсифлашда хужайра культураси
моделларининг қўлланилиши 3

Кахорова Комола Азаматовна

Применение моделей клеточных культур при описании биологически
активных веществ белково-пептидной природы 23

Kakhorova Komola Azamatovna

Application of cell culture models in description of biologically active
substances of protein-peptide nature 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

КАХОРОВА КОМОЛА АЗАМАТОВНА

**ОҚСИЛ-ПЕПТИД ТАБИАТЛИ МОДДАЛАРНИ ТАВСИФЛАШДА
ҲУЖАЙРА КУЛЬТУРАСИ МОДЕЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**02.00.10-Биоорганик кимё
(биология фанлари)**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/В83 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.biochem.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хашимова Зайнат Саттаровна
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хушбақтова Зайнап Абдурахмановна
биология фанлари доктори, профессор

Левицкая Юлия Владимировна
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалар кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч.,83. Тел.: 2623540, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч.,83. Тел.: 2623540, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Диссертация ва автореферат 2018 йил _____ куни тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Салихов

Илмий даража берувчи бир марталик илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

М.И.Асраров

Илмий даража берувчи бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

Ш.У.Турдикулова

Илмий даража берувчи бир марталик илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доц

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳар қандай янги биологик бирикма қандай мақсадда қўлланилишидан қатъий назар токсиклиги ва биологик фаоллиги нуқтаи назаридан тавсифланиши зарур. Шу мақсадда, охириги ўн йилликда фаол, жумладан ўсмага қарши бирикмаларни тест-таҳлил қилиш ва танлаш учун организмдан ташқарида бўлган модел системалари, яъни турли хужайра культуралари қўлланилмоқда. Бу эса, кейинчалик *in vivo* шароитида тадқиқот олиб борилиши керак бўлган, дори препаратларининг сонини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида, сўнгги йилларда рақ касаллиги терапияси учун қўлланиладиган, мавжуд қуйи молекулали препаратлар билан бир қаторда оксил ва пептид табиатли дори препаратларига эътибор қаратилмоқда. Ўсманинг даволовчи, альтернатив терапияси сифатида паразит ўсимликлардан (*Haustoria*), оқ омеладан тайёрланган препаратлар муҳим ҳисобланган. Ғарбий Европа мамлакаларида, Оқ омела ўсимлигидан ажратилган экстрактлар асосида тайёрланган препаратлар (ўсимлик баргининг сувли экстрактини сақлаган, махсус технология асосида тайёрланган, ML-1 лектини бўйича стандартлаштирилган «Искадор» препарати) қўлланилган. Шу билан бирга паразит ўсимликлардан зарпечак (*Cuscuta*) ўсимлигига ҳам қизиқиш катта бўлиб, унинг таркибида гликозидсимон табиатли, ўсмага қарши фаол бирикма аниқланган.

Ҳозирги кунда республикамизда цитотоксик фаолиққа эга бўлган моддаларни аниқлаш борасида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган ва салмоқли натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларни арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб биологик фаол моддаларни, жумладан, раққа қарши фаол бирикмаларни скрининг қилишда хужайра культураси асосида янги тест-система яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229 «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари ҳамда мазкур фармонга тегишли бошқа меъёрий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хужайра куьтурасида бирикмаларнинг цитотоксик фаоллигини аниқлаш ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган (R.I. Freshney, T. Mossman). АҚШ нинг раққа қарши миллий марказида бурун-ҳалқум эпидермоид карциномаси КВ ва одам карциномаси хужайра куьтураси Не хужайра линиялари кенг тарқалган бўлиб, бугунги кунда, бутун дунёда биологик фаол моддаларни скрининг қилишда ўнлаб хужайра куьтура линияларидан фойдаланилмоқда.

МДХ давлатларида моддаларни скрининг қилиш тадқиқотлари ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган (Россия). Я.В. Добрынин ва унинг шогирдлари томонидан истиқболли цитостатикларини танлаш мақсадида, янги, кўчириб ўтказувчи хужайра линияси, одам тухумдони раки СаО олинган. Бу каби тадқиқотларни кейинчалик бир қатор олимлар давом эттиришган (М.Ю. Еропкин, А.А. Алексеев, А.А. Тухбатова, Е.О. Данченко, М.А. Романова и бошқ.).

Ўзбекистонда биологик фаол моддаларнинг цитотоксик фаоллигини аниқлаш ҳам ўтган асрнинг 80-йилларида Биоорганик кимё институтида Н.Н. Кузнецова ва шогирдлари раҳбарлигида бошланган бўлиб, ошқозон ости беги раки СаРа хужайра линияси асосида раққа қарши моддаларни скрининг қилиш учун тест-тахлил тизими яратилган. Кейинчалик эса, 2005 йил Биоорганик кимё институтида Н.Н. Кузнецова томонидан моддаларнинг цитотоксик ва антимета статик фаоллигини аниқлаш учун янги хужайра линияси, сичқон тери раки-меланомаси КМЛ яратилган ва ушбу хужайра куьтураси линиясига патент олинган. Бугунги кунда эса, Биоорганик кимё ва Ўсимлик моддалари кимёси институтида биологик фаол моддаларни скрининг қилиш учун турли хужайра куьтураларида тадқиқотлар олиб борилмоқда (профессор Ш.С. Азимова, З.С. Хашимова).

Паразит ўсимликлардан *Cuscuta* ўсимлиги компонентлари интенсив равишда тадқиқ қилинган бўлсада, ўсимлик таркибидаги оксил-пептидли компонентлар тўлиқ ўрганилмаган. Адабиётларда ҳам *Cuscuta* ўсимлиги лектинлари ҳақида маълумотлар келтирилмаганлиги сабабли, *Cuscuta europaeae* ўсимлигидан лектинсимон гликопротеидларни ажратиш, тавсифлаш ва цитотоксик фаоллигини аниқлаш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А6 Т064 «Кавказ чаёни рекомбинант инсектотоксини ВисаIT олиш биотехнологиясини яратиш ва хайвон ва рақ хужайралари

культураларида синовлар ўтказиш» (2016-2017) ҳамда ПЗ-20171024153 «Биологик фаол моддаларни скрининг қилиш учун сичқон ингичка ичак раки хужайра культураси асосида тест-тизим яратиш» (2018-2019) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Cuscuta europeae* ўсимлигидан лектинсимон гликопротеидларни ажратиш, тавсифлаш ва Акат, В-16, КМЛ, Нела, С127, U937 хужайра культураси моделларида цитотоксик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сичқон ингичка ичак аденокарциномасидан янги кўчириб ўтказиладиган хужайра культурасини олиш, тавсифлаш ва сезилувчанлигини аниқлаш;

сичқон ингичка ичак аденокарциномаси Акат хужайра линияси асосида биологик фаол моддаларни кенг доирада скрининг қилиш учун тест-таҳлил тизимини яратиш;

Cuscuta europeae ўсимлиги уруғидан лектинсимон оқсилларни (ЛО) ажратиш ва тавсифлаш;

турли хужайра линияларида лектинсимон гликопротеидларнинг цитотоксик фаоллигини аниқлаш;

лектинсимон оқсилларнинг гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига таъсирини, хужайраларнинг оксидланишли стрессга чидамлигига, цитозол ферменти ЛДГ фаоллигига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Cuscuta europeae* лектинсимон оқсиллари, Акат, В-16, КМЛ, Нела, С127, U937 рак хужайра культуралари, 6-8 ҳафтали зотсиз каламуш тимоцитлари, қуён қизил қон хужайралари олинди.

Тадқиқотнинг предмети *Cuscuta europeae* лектинсимон оқсилларнинг цитотоксик фаоллигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибаларда замонавий биофизик ва биокимиёвий усуллардан фойдаланилди. *Cuscuta europeae* лектинсимон оқсилларини ажратиш ва тавсифлаш стандарт метод ёрдамида олиб борилди. Биологик фаоллик МТТ-тест ва тирик хужайраларни ҳисоблаш услуги ёрдамида аниқланди. Тимоцитлар ва қизил қон хужайралари стандарт услублар ёрдамида ажратилди. Хужайра ҳажми суспензиянинг ёруғликни ўтказиши бўйича аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

янги сичқон ингичка ичак аденокарциномаси Акат хужайра культураси олинган ва ўсиш факторлари аниқланган;

биологик фаол моддаларни кенг доирада скрининг қилиш учун янги Акат линияси асосида эффектив тест-тизим яратилган;

илк бор *Alhagi L* ўсимлигида паразитлик қиладиган *Cuscuta europeae* ўсимлигидан лектинсимон оқсиллар ажратилган ва тавсифланган;

илк бор ажратилган оқсилларнинг биологик фаоллиги, жумладан цитотоксиклиги, мембрана фаоллиги ва антиоксидантлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

акатон ўсма тўқимасидан янги хужайра линиясини олиш, культивирлаш босқичлари, клонирлаш ва стабил хужайра культураси линиясини олиш шароитлари оптималлаштирилган;

хужайраларни музлатиш, суяқ азотда сақлаш, эритиш ва ҳаётчанлиги юқори хужайраларни олиш ва сақлаш шароитлари яратилган;

лектинсимон оксилларни ажратиб олиш схемаси келтирилган, гемагглютинирловчи фаоллиги ва углеводли спецификлиги, турли хужайра культураларида МТТ-тест бўйича цитотоксиклик фаоллиги аниқланган;

лектинсимон оксиллар таъсирида мембрана шикастланиши, лактатдегидрогеназининг чиқиш фаоллиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларни замонавий биофизик-биокимёвий тадқиқот усуллари кўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Назорат ва тажрибада олинган ўртача қийматлар орасидаги фарқ Стюдент t-тести, стандарт программа “Origin” ва “Microsoft Excel” бўйича ҳисобланди ва қийматлар фарқининг статистик ишончлилиги $P < 0,05$ ва $p < 0,01$ даражасида ифодаланди. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лектинсимон оксилларнинг хужайра бўлинишининг S- даври ва қисман G2-фазасига таъсири кўрсатилиши билан изоҳланади. Лектинсимон оксиллар таъсирида мембрана шикастланиши эса, лактатдегидрогеназининг чиқарилиш фаоллиги билан кўрсатилган.

Натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, сичқон ингичка ичак аденокарциномасидан янги хужайра линияси олинган. Ушбу линия асосида биологик фаол бирикмаларни скрининг қилиш учун эффектив тест-тизим яратилган. Олинган натижалар фармакология ва тиббиётда муҳим амалий аҳамиятга эга. Яратилган тест-тизим келажакда синтезланадиган моддаларни скрининг қилишда қўлланилиши ва хужайра линиясини олиш учун ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акат линиясини олиш, культивирлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сичқон ингичка ичак раки, культивирланадиган хужайра штамми, Акат E7 клонига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05428, 2017 й). Натижада Акат линияси асосида яратилган тест-система биологик фаол моддаларни скрининг қилиш имконини берган;

Акат ва Сасо-2 хужайра линияларидан Т.4-16 рақамли «Бактериоцин ишлаб чиқарувчи микроорганизмларни ажратиш ва уларни озик-овқат саноатида ишлатиш имкониятларини баҳолаш» (2016-2017) илмий лойиҳада, Акат E7 клонидан *in vitro* шароитида лактобацилларнинг ичакда адгезиясини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 24-июлдаги №4/1255-1946-сон маълумотномаси).

Натижада лактобациллаларни озиқ-овқат саноатида қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иши чоп этилган, шулардан, улардан 1 та ихтиро патенти, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 та маҳаллий, 3 та МДХ ва 1 та Халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Cuscuta europeae* биологик фаол бирикмаларини хужайра культураси моделларида аниқлаш» деб номланган биринчи бобида паразитлик қилиб ўсувчи ўсимликлар, жумладан, оқ омела ва зарпечак ўсимлигининг биологик фаол компонентлари, янги олинган бирикмаларнинг скрининг системаси, жумладан хужайра культураси моделлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўчириб ўтказилувчи хужайра культурасини олиш, *Cuscuta europeae* лектинсимон оқсилларини ажратиб олиш, тавсифлаш ва биологик фаоллигини аниқлаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот изланишлари бажарилишида фойдаланилган материаллар ва усуллар, жумладан биоорганик кимё (электрофорез, оқсил ва углеводни микдорий ва ва сифат жиҳатдан аниқлаш усуллари), хужайра биологияси (хужайра культурасини олиш, культивирлаш ва сақлаш услублари), биокимёвий (калориметрик услублар –МТТ, ЛДГ-тест, гемагглютинирловчи фаолликни аниқлаш) каби услублардан фойдаланилган.

Кўчириб ўтказилувчи хужайра культураси Акатон ўсмасидан олинди ва кейинчалик RPMI–1640 ўстирувчи озуқа муҳити суюқлигида культивирланди. Культивирлаш шароитимизга мослаштирилган HeLa, C127, B-16 ва U937 каби рак хужайраси культуралари академик Р.З Сабилов томонидан тақдим қилинган.


Цитотоксик фаоллик уч турдаги тест: МТТ-тест, ЛДГ-тест ва тирик хужайралар сонини санаш методига кўра аниқланди.

Зарпечак уруғидан лектинсимон оксиллар стандарт усул бўйича ажратилди. Лектинсимон оксилларнинг гемагглютинирловчи фаоллиги ва углеводли спецификлиги Пospelов услуги ёрдамида иммунологик планшетда аниқланди.

Тимоцитлар стандарт усул асосида ажратиб олинди. Тимоцитлар ҳажм ўзгариши 610 нм ёруғлик ютилишида аниқланди.

Диссертациянинг «*Cuscuta europeae* лектинсимон оксилари ва уларнинг хужайра метаболизмига таъсири» деб номланган учинчи бобида сичқон ингичка ичак аденокарциномасидан янги хужайра линиясини олиш, янги хужайра линиясининг тавсифи, *Cuscuta europeae* лектинсимон оксилларини ажратиб олиш, тавсифлаш ва турли Акат, В-16, КМЛ, HeLa, С127, U937 хужайра линияларига таъсирини тадқиқ қилишда олган натижаларимиз муҳокама қилинган.

Сичқон ингичка ичак аденокарциномаси янги хужайра линиясини олиш. Кўчириб ўтказилувчи хужайра линиялари турини янада кенгайтириш мақсадида сичқон ингичка ичак аденокарциномасидан Акат деб номланган янги хужайра линияси олинди ва ушбу линия биоорганик кимё институти хужайра культураси банкида сақланмоқда. Хужайра штами, сичқон ингичка ичак аденокарциномаси ўсмасини ажратиш, гомогенизациялаш ёрдамида, таркибида глутамин, бузоқ эмбриони зардоби, антибиотик ва антимикотик сақлаган RPMI – 1640 озуқа муҳити суюқлигида хужайралар суспензиясини олиш билан ажратиб олинди. Хужайралар махсус матрацга ўтказилди, бирламчи колониялар ҳосил қилгандан сўнг озуқа муҳити суюқлиги янгиланди, 37° С да 5% CO₂ – инкубаторда культивирланди ва 3-4 ойдан кейин Акат деб номланган янги линия стабил ҳолатга келди. Зичлиги 5 x 10⁴ кл/мл га тенг бўлган хужайралар ҳар ҳафтада 1-2 марта қайта тикланди ва 10% ли бузоқ эмбриони зардоби, антибиотик, антимикотик ва глутамин сақлаган RPMI – 1640 озуқа муҳити суюқлигига ўтказилди. Акат штами биринчи марта 60-65 пассаждан кейин 1x10⁶ миқдордаги хужайралар ўсишнинг логарифмик фазасида 1,8 мл ҳажмли криофлаконларда музлатилди ва ҳозирги кунда хужайра культураси банкида сақланмоқда (1-расм).



1-расм. Кўчириб ўтказилувчи Акат хужайра культураси, ок. ×10, об. ×40.

Сичқон ингичка ичак аденокарциномаси хужайра культураси Акат гиперхром ядроли, эпителийсимон кўпбурчакли хужайралардан ташкил топган. Ядролари овал-думалоқ бўлиб, икки ёки учта ядрочалардан иборат. Хужайралар субстратга зич ҳолда ёпишади ва ўсишнинг логарифмик фазасининг охирида яхлит монокават ҳосил қилади. Хужайралар 1 мМ ЭДТА эритмаси таъсирида монокават юзасидан осон силжийди

Акат хужайраларининг сезилувчанлигини аниқлаш. Моддаларнинг цитотоксик таъсирини аниқлашда хужайра линиясининг модел сифатида қўлланилиши мумкин эканлигини исботлаш мақсадида, хужайра культурасининг турли синфларга оид, клиник, ўсмага қарши препаратларга нисбатан сезилувчанлиги аниқланди: циклофосфан алкилловчи цитотоксик; метотрексат, антиметоболит гуруҳига оид цитостатик; доксорубицин, антрациклин катори, ўсмага қарши антибиотик; винбластин, ўсимликдан ажратиб олинган бўлиб, РНК ва ДНК синтезини ингибирлайди; цисплатин, бифункционал алкилловчи агент хусусиятига эга; этопозид- топоизмеразалар ингибитори; фторафур, антиметаболит бўлиб, ДНК ва РНК синтезини бузиши билан ўсмага қарши таъсир кўрсатади.

Препаратларниг ўсмага қарши фаоллигини МТТ ва тирик хужайраларни санаш услуби ёрдамида аниқладик. Назорат сифатида модда таъсир қилмаган хужайралар олинди ва бунда МТТ ёрдамида аниқланган ҳаётчанлик 100% (1-жадвал).

1-жадвал

Акат хужайра культурасига клиник ўсмага қарши препаратларнинг таъсири ($M \pm m, n = 3, P < 0,05$)

Доза, мкг/мл	МТТ таъсирида хужайра ўсишининг камайиши, %			Хужайра ўсишининг камайиши, %		
	100	10	1	100	10	1
Препаратлар						
1. Этопозид	75,0±0,3	59,2±0,7	36,3±0,4	72,6±0,5	57,3±0,6	32,2±0,1
2. Винбластин	81,2±0,1	65,4±0,1	57,1±1,1	83,7±0,3	62,6±0,1	56,7±0,2
3. Метатрексат	58,4±0,5	45,6±1,4	33,2±0,6	57,5±0,1	42,4±0,3	32,5±0,2
4. Доксорубицин	72,3±0,7	58,1±0,7	38,4±0,2	70,1±0,4	59,7±0,6	35,3±0,3
5. Циклофосфан	57,1±0,3	43,4±1,1	43,7±0,1	56,2±0,3	42,7±0,1	41,5±0,5
6. Цисплатин	96,7±0,1	92,3±0,1	56,5±0,7	97,1±0,4	90,8±0,3	54,3±0,7
7. Фторафур	59,1±0,2	58,5±0,8	49,3±0,9	56,8±0,4	53,3±0,3	48,3±0,1

1-жадвалдан кўриниб турибдики, барча препаратлар МТТ-тест услуби ва хужайралар сонини санаш услуби бўйича ҳам цитотоксик фаолликни номоён қилган. МТТ-тест услуби бўйича, синтетик препарат цисплатин 100, 10 и 1мкг/мл концентрацияда 96,7%, 92,3% и 56,5% энг юқори цитотоксик фаолликни номоён қилди. Винбластин 81,2%, 65,5%, 57,1, доксорубицин 72,3%, 58,1% , 38,4% ва этопозид 75,0%, 59,2%, 36,3% цитотоксик фаолликни номоён қилди. Нисбатан қуйи цитотоксик фаоллик метатрексат, фторафур ва циклофосфан препаратлар таъсирида кузатилди. Олинган натижалар трипан кўки иштирокида тирик хужайраларни санаш услуби натижаларини такрорлайди.

HeLa ва Акат хужайраларида препаратлар таъсиридаги цитотоксик фаоллик натижалари бир-бирига мос.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, янги Акат хужайра линияси ўсмага қарши клиник препаратларга етарли даражада сезилувчан бўлиб, кам миқдордаги биологик фаол, жумладан, ўсмага қарши препаратларни


скрининг қилишда фойдаланиладиган хужайравий модел система сифатида хизмат қилади.

Cuscuta europaea лектинсимон оқсилларини ажратиб олиш ва уларнинг тавсифи. Паразит ўсимликлардан бири зарпечак (*Cuscuta*) кўплаб тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотади.


Cuscuta europaea ўсимлиги компонентларини умумий таҳлил қилиш учун, ўсимлик уруғлари ёзда йиғиб олинган. Дала ўтлари, янтоқда (*Alhagi.L*) ва мевали буталарда паразит ҳолда ўсувчи зарпечакларнинг спиртли, сувли ва тузли экстрактлари олинган.

Олинган натижалардан келиб чиқиб, шунини айтиш мумкинки, *Cuscuta europaea* компонентларининг цитотоксик фаоллиги у паразитлик қилаётган ўсимликка боғлиқ. Юқори цитотоксик фаоллик эса, асосан янтоқда паразитлик қилиб ўсувчи зарпечакнинг спиртли ва сув-тузли экстрактларида кузатилган.

Зарпечак ўсимлигининг кам ўрганилган объектлардан бири лектинсимон оқсиллари (ЛО) ҳисобланади. Лектинсимон оқсиллар янтоқда паразитлик қилувчи зарпечак уруғидан, стандарт услуб, яъни тузли эритма билан экстракциялаш ва аммоний сульфат ёрдамида босқичли чўктириш билан ажратиб олинган (1-схема).



Ажратиб олинган лектинсимон оксиллар электрофорез услуби ёрдамида тавсифланди (2-расм).



2-расм. 15% ПААГ-SDS (меркаптоэтанол)да *Cuscuta europaea* лектинсимон гликопротеидларининг электрофореграммаси:

1-маркерлар (BCA-67кДа, хемотрипсин-25 кДа, цитохром-12,5 кДа), 2- суммар оксиллар, 3- 20%-ли $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ чўктиришда олинган супер-натант; 4- 20%-ли $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ чўктиришда олинган чўкма; 5- 50%-ли $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ чўктиришда олинган супернатант; 6-20%-ли $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ чўктиришда олинган чўкма $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$.

Электрофореграммадан кўриниб турибдики, аммоний сульфат ёрдамида 50%ли чўктиришдан кейин олинган фракция 12,5-25,0 кДа оралиғида аниқ бир чизиқ ва хира иккита чизиқни ҳосил қилган. Аммоний сульфат ёрдамида 50%ли чўктиришдан кейин олинган чўкма умумий фракцияга нисбатан камроқ гетероген бўлиб, асосан 12,5 -25 кДа оралиғида оксилли чизиқлар ҳосил қилган.

Маълумки, лектинларнинг асосий хусусиятларидан бири уларнинг гемагглютинацияовчи фаоллиги ва углеводли спецификлиги ҳисобланади.

Олинган фракциялардан LO_{20} и LO_{50} гемагглютинацияовчи фаолликни номоён қилган. LO_{50} фракциясида глюкоза ва маннозага нисбатан юқори спецификлик кузатилган.

Шундай қилиб, илк бор *Alhagi L.* ўсимлигида паразитлик қилувчи *Cuscuta europaea* дан лектинсимон оксиллар ажратилган ва тавсифланган.

Турли хужайра культураси линияларида *Cuscuta europaea* лектинсимон оксилларининг биологик фаоллигини аниқлаш. Биологик фаолликни баҳолаш, шу билан бирга оксил табиатли моддаларнинг таъсир механизмини аниқлаш учун хужайра культураси энг муносиб модел ҳисобланади.

Лектинсимон оксилларнинг турли хужайра системаларида цитотоксик фаоллиги ўрганилган.

Цитотоксиклик МТТ-услуби, тирик хужайраларни санаш ва морфологик жиҳатдан баҳоланди.

Оксилларнинг турли хужайра линияларида цитотоксик таъсири юқорида кўрсатилганидек аниқланди.

Кўчириб ўтказилувчи КМЛ хужайра штами илк бор, Биоорганик кимё институти биорегуляторлар лабораториясида Н.Н. Кузнецова томонидан сичкон меланомаси В-16 C_{57}Bl линиясидан ажратиб олинган ва унинг асосида биологик фаол моддаларни кенг доирада скрининг қилиш учун тест-тизим яратилган.

Cuscuta europea лектинсимон оксилларининг В-16 ва КМЛ хужайраларидаги киёсий цитотоксик фаоллиги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

***Cuscuta europea* лектинсимон оксилларининг В-16 ва КМЛ хужайра культурасига таъсири (M ± m, n = 9, P<0,05)**

Доза мкг/мл Намуналар	МТТ таъсирида хужайра ўсишининг камайиши, %					
	В-16			КМЛ		
	100	10	1	100	10	1
∑ фракция	96,0±0,6	55,0±0,1	14,0±0,3	93,1±0,3	45,7±0,5	14,0±0,3
C ₂₀	61,0±0,3	46,0±0,6	15,0±0,1	81,2±0,1	38,4±0,3	13,8±0,5
C ₅₀	37,0±0,1	23,0±0,2	10,0±0,5	37,3±0,5	25,4±0,4	10,1±0,1
ЛПБ ₂₀	97,0±0,6	56,0±0,3	49,0±0,3	98,4±0,1	62,4±0,3	37,2±0,3
ЛПБ ₅₀	93,5±0,4	61,0±0,1	46,0±0,2	93,5±0,4	57,8±0,6	42,0±0,1
цисплатин	98,7±0,1	91,0±0,4	45,4±0,4	99,9±0,4	88,6±0,3	50,4±0,3

2-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар иккала хужайраларда ҳам юқори цитотоксик фаоллик умумий фракция, ЛО₂₀ ва ЛО₅₀ таъсирида кузатилган. Фракцияларнинг 100 мкг/мл концентрациядаги таъсири натижасида В – 16 хужайраларида цитотоксик фаоллик -96%, 97% ва 93,5% ни, КМЛ хужайраларидаги цитотоксик фаоллик эса - 93,1%, 98,4% и 93,5% ни ташкил қилган.

Киёсий таҳлил бўйича, В-16 ва КМЛ хужайраларида фракциялар таъсирида олинган натижаларга бир-бирига мос келади.

HeLa хужайра линиясида ЛОнинг таъсири ўрганилган (3-жадвал).

3-жадвал

HeLa хужайра культурасига *Cuscuta europea* лектинсимон оксилларининг таъсири (M ± m, n = 9, P<0,05)

Доза, мкг/мкл Намуналар	МТТ таъсирида хужайра ўсишининг камайиши, %			Хужайра ўсишининг камайиши, %		
	100	10	1	100	10	1
∑ фракция	100±0,1	45,3±0,6	19,6±0,1	99,1±0,1	34,6±0,1	17,4±0,1
C ₂₀	52,2±0,1	29,6±0,1	27,3±0,1	51,4±0,2	26,8±0,2	25,7±0,2
C ₅₀	45,5±0,2	28,7±0,1	15,6±0,2	46,4±0,1	26,4±0,2	14,3±0,2
ЛПБ ₂₀	98,3±0,1	58,4±0,1	18,7±0,2	96,5±0,1	55,4±0,1	19,3±0,2
ЛПБ ₅₀	94,3±0,2	60,8±0,1	47,7±0,1	95,3±0,2	58,6±0,2	37,6±0,2
Цисплатин	98,1±0,6	85,5±0,8	35,5±0,1	97,5±0,1	59,5±0,1	34,6±0,2

3-жадвалдан кўриниб турибдики, *Cuscuta europea* нинг оксилли фракциялари хужайра культурасига турли ҳил таъсир қилади. Умумий фракция, ЛО₂₀ ва ЛО₅₀ 100 мкг/мл концентрацияда - 100%, 98% и 94% цитотоксикни номоён қилди. Шу билан бирга, 60% ли цитотоксиклик 10 мкг/мл концентрациядаги ЛПБ₅₀ таъсирида кузатилди.

Шунга ўхшаш натижалар трипан кўки таъсирида хужайраларни санаш услуги ёрдамида ҳам олинган.

Шабадаш методи бўйича, оксиллар таъсирида хужайралар моноқавати морфологик жиҳатдан кузатилди ва хужайралар моноқаватининг етишмовчилиги кўрсатилди.

Олинган ЛО фракцияларнинг фаоллиги U937 қон хужайраларининг суспензион культураси ва янги Акат хужайра культурасида ҳам аниқланган. (4- ва 5-жадвал).

4-жадвал

Cuscuta europea лектинсимон оксилларининг U937 хужайра культурасига таъсири ($M \pm m, n = 9, P < 0,05$)

Доза, мкг/мкл	МТТ таъсирида хужайра ўсишининг камайиши, %			Хужайра ўсишининг камайиши, %		
	100	10	1	100	10	1
Намуналар						
∑ фракция	100±0,1	31±0,1	17±0,1	98±0,1	35±0,1	17±0,3
C ₂₀	48±0,2	49±0,1	51±0,1	50±0,2	43±0,2	51±0,2
C ₅₀	49±0,1	51±0,2	42±0,2	52±0,2	49±0,2	40±0,2
ЛПБ ₂₀	86±0,5	64±0,1	61±0,2	80±0,2	60±0,3	59±0,2
ЛПБ ₅₀	93±0,2	76±0,2	53±0,2	95±0,1	70±0,2	46±0,3
Цисплатин	100±0,2	96±0,1	45±0,1	97±0,1	88±0,1	34±0,1

U937 суспензион культурасида ҳам умумий фракция, ЛО₂₀ ва ЛО₅₀ фракциялар 100 мкг/мл концентрацияда 100%, 86% ва 93% цитотоксик фаолликни номоён қилди.

5-жадвал

Cuscuta europea лектинсимон оксилларининг Акат хужайра культурасига таъсири ($M \pm m, n = 9, P < 0,05$)

Доза, мкг/мкл	МТТ таъсирида хужайра ўсишининг камайиши, %			Хужайра ўсишининг камайиши, %		
	100	10	1	100	10	1
Намуналар						
∑ фракция	86,1±0,5	33,4±0,6	10,3±0,3	83,2±0,3	30,6±0,4	6,5±0,5
C ₂₀	35,3±0,1	15,2±0,5	8,7±0,4	32,5±0,1	14,5±0,6	7,4±0,3
C ₅₀	40,2±0,3	12,5±0,4	10,5±0,5	39,4±0,5	10,3±0,4	6,5±0,2
ЛПБ ₂₀	89,2±0,3	58,4±0,9	43,6±0,1	87,3±0,8	55,3±0,6	41,2±0,2
ЛПБ ₅₀	96,0±0,2	60,1±0,5	40,4±0,6	95,1±0,1	57,2±0,3	34,1±0,3
Цисплатин	98,5±0,1	85,4±0,4	35,7±0,1	98,4±0,1	83,6±0,3	32,7±0,1

5-жадвалда кўрсатилганидек, умумий фракция, аммоний сульфат ёрдамида 20% ва 50% чўктиришдан олинган фракция Акат хужайра культурасига цитотоксик таъсир кўрсатган. 100мкг/мл оксил дозасида 86%, 89% ва 96% цитотоксик фаоллик кузатилган. ЛО₂₀ ва ЛО₅₀ фракциялари учун СЕ₅₀ 10 мкг/мл ва 1мкг/мл оралиғидаги концентрацияни ташкил қилади. Трипан кўки таъсирида хужайраларни санаш услуги ёрдамида хужайра

ўсишининг камайиши бўйича олинган натижалар юқоридаги натижаларни такрорлайди. ЛО нинг С127 кўкрак ўсмаси ҳужайра культурасига сустритотоксик таъсири кузатилган.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, аммоний сульфат ёрдамида 20% ва 50% чўктириш натижасида ажратилган *Cuscuta europea* лектинсимон оқсиллари турли ҳужайра линияларида юқори цитотоксик фаолликни номоён қилади. Аммо, ҳар бир ҳужайра линияси ўзига хос сезилувчанликка эга. Меланома, ингичка ичак аденокарциномаси ва бачадон бўйни ўсмаси ҳужайра линиялари С127 кўкрак ўсмасига нисбатан сезилувчанлиги юқори эканлиги аниқланган.

Cuscuta europea лектинсимон оқсилларининг, таъсир механизми маишхур бўлган, клиник ўсмага қарши препаратлар билан биргаликда таъсири. Биологик фаол моддаларнинг ҳужайра-нишонга таъсир механизмини тадқиқ қилиш турли тестлардан, жумладан, ҳужайравий даражада токсикликнинг турли индикаторлари, токсик таъсирнинг турли муддатларидаги ҳужайра культураси тўплами ва ички муҳитдаги жараёнлардан ташкил топган комплекс ёндашувни талаб қилади.

Акат ҳужайра культурасида ЛО нинг таъсир механизмини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш учун инструмент сифатида маълум таъсир механизмига эга бўлган клиник препаратлардан фойдаланилди. Булардан, этопозид ҳужайрани G2 –ва кечки S-фазада нобуд қилади; колхицин эса, ҳужайранинг метафаза босқичида митозни блоклайди. Ҳужайра ўсишини 50% га камайтириш (CE₅₀) этопозид учун 10 мкг/мл, колхицин учун 1 мкг/мл ни ташкил қилади. ЛО учун эса, CE₅₀ 10 мкг/мл га тенг. Тажриба учун юқорида кўрсатилган препаратлар ҳужайра ўсишини 50% гача камайтириш дозасида Акат линиясига алоҳида ва биргаликда таъсир этирилган (6-жадвал).

6-жадвал

Акат ҳужайраларида ЛПБ₅₀ ва клиник препаратларнинг биргаликдаги таъсирининг эффекти (M ± m, n = 3, P < 0,05)

Намуналар	Дозалар мкг/мл, CE ₅₀	МТТтаъсирида ҳужайра ўсишининг камайиши, %	Ҳужайра ўсишининг камайиши, %
ЛПБ ₅₀	10	52,4 ± 1,4	48,3 ± 0,9
Этопозид	10	48,8 ± 0,8	50,0 ± 1,4
Колхицин	1	49,4 ± 1,1	48,0 ± 0,9
Этопозид+Колхицин	10 +1	83,4 ± 0,3	80,1 ± 0,5
ЛПБ ₅₀ + Этопозид	10+10	62,3 ± 2,4	61,0 ± 1,9
ЛПБ ₅₀ +Колхицин	10+1	78,2 ± 1,5	77,8 ± 0,6
Цисплатин	1	47,6 ± 1,4	45,2 ± 0,8

6-жадвалда кўрсатилганидек, хужайра ўсишининг логарифмик фазасида этопозид ва колхицин хужайра ўсишини 83%га камайтирган. Бу эа, хужайра бўлинишининг 2-фаза –S даврни (ДНК репликацияси) ва митозни блоклаб, цитотоксик таъсир юзага келганидан далолат беради. 50% дозада ЛО₅₀ ва этопозиднинг биргаликдаги таъсири натижасида (10 ва10 мкг/мл) хужайра ўсишини камайишини 62%ни ташкил қилган. Демак, ЛО₅₀ ҳам этопозид каби S-даврга таъсир қилади. ЛО₅₀ ва колхициннинг биргаликдаги таъсирида олинган натижалар этопозид ва колхициннинг биргаликдаги таъсирида олинган натижалари билан мос келади. Шундай қилиб, ЛО₅₀ ва колхицин хужайра ўсишини S-даврга ва митозда камайтиради.

Шуни эътиборга олиш керакки, ЛО₅₀ ва этопозид хужайра культурасига алоҳида таъсир қилганига нисбатан, уларнинг биргаликдаги таъсири натижасида юқори цитотоксик фаоллик кузатилган. Бундан ташқари, ЛО этопозиднинг таъсирини кучайтирган. Олинган натижалар адабиётлардан олинган натижалар билан мос келади.

Олинган натижалар, мақсадга йўналтирилган дори воситаларини маълум бир ўсма турига таъсирини аниқлаш учун хужайра культурасидан фойдаланишга асос бўлади.

Олинган тадқиқот натижаларига кўра, ЛПБ₅₀ нинг хужайрага таъсири оксил дозасига боғлиқ экан. ЛО₅₀, этопозид ва колхицин билан биргаликда олиб борилган тадқиқот натижалари, ЛО₅₀ нинг айнан S – даврга таъсир қилиши мумкинлигидан далолат беради.

Лактатдегидрогеназа фаоллигини аниқлаш. Хужайра мембранаси бутунлигини таҳлил қилувчи тестлардан бири, шикастланган мембранадан культура ташқи муҳит суюқлигига ажралиб чиқадиган, цитозол фермент-лактатдегидрогеназининг (ЛДГ) ҳолатини баҳолаш ҳисобланади. Ушбу тест, хужайра мембранаси бутунлиги бузилишини белгиловчи маркер сифатида қўлланилади. Модданинг салбий таъсири унинг хужайра мембранаси бутунлигига таъсири, яъни, хужайра ташқи муҳитига ЛДГ нинг чиқиши билан баҳоланади. Лактатдегидрогеназа фаоллиги иккита хужайра линиясида HeLa ва U937 баҳоланган (7-жадвал).

7-жадвал

***Cuscuta europea* ЛО таъсирида HeLa хужайраларидан
лактатдегидрогеназа чиқиши (M ± m, n = 9, P<0,05)**

Моддалар	ЛДГ фаоллиги, %		
	100 мкг/мл	10 мкг/мл	1 мкг/мл
∑ фракция	26,3±0,2	8,3±0,0	3,2±0,1
C ₂₀	23,4±0,2	5,4±0,1	4,3±0,2
C ₅₀	25,2±0,1	5,2±0,2	3,8±0,1
ЛПБ ₂₀	27,3±0,2	7,1±0,2	5,7±0,2
ЛПБ ₅₀	28,6±0,0	9,7±0,1	5,6±0,1
цисплатин	30,2±0,2	22,4±0	5,5±0,1

7-жадвалда кўрсатилганидек, ЛО умумий фракцияси, ЛО₂₀ ва ЛО₅₀ таъсирида ЛДГ нинг юқори фаоллиги кузатилган ва бу фракциялар таъсири натижасида хужайра мембранаси шикастланганидан далолат беради. U937 хужайра культурасида ҳам шу каби фаоллик кузатилган. Натижалар ушбу оксилларнинг цитотоксик фаоллиги билан мос келади.

Гипоосмотик стресс шароитида зарпечак гликопротеидларининг тимоцитлар ҳажм бошқарилишига таъсири. Муҳит осмотиклиги ўзгарувчан шароитда хужайра ҳажмининг доимий сақланиши унинг фундаментал хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Олдинги тадқиқотларда зарпечак ўсимлиги турли экстрактларининг (ЗЭ) мембранани фаолловчи хусусияти текис қўшқаватли мембраналарда олиб борилган. Фосфолипид сифатида тухум фосфатидилэтаноламинидан фойдаланилган ва ЗЭ нинг таъсирида мембрананинг бузилиши якка калийли каналлар ўтказувчанлиги билан боғлиқлиги кўрсатилган. Ушбу тадқиқот, б.ф.д.Салахутдинов Б.А. раҳбарлигидаги 4Ф–419 «Канцеролитик фаол табиий бирикмаларни тадқиқ қилиш ва уларнинг асосида ўсмага қарши дори воситаларини яратиш» лойиҳаси асосида амалга оширилган.

Гипоосмотик стресс шароитида зарпечак ЛО нинг тимоцитлар ҳажм бошқарилишига таъсири ўрганилган.


6-8 ҳафталик зотсиз каламушлардан тимоцитлар стандарт услуб бўйича ажратилди ва трипан кўки ёрдамида хужайраларнинг ҳаётчанлиги аниқланди. Тимоцитлар ҳажми ўзгаришини 25°C да термостат кюветасида ўтувчи нур ва $10^4 \cdot 10^6$ хуж/мл концентрацияда қайд қилинган. Таҷрибада хужайра ҳажмини ёруғлик ўтказувчанлиги бўйича қайд қилиш усули қўлланилган. Тимоцитлар ҳажми ўзгаришини микроколориметр МКМФ-1 ёрдамида қайд қилинди. Ютилиш максимуми 610 нм бўлган ёруғлик фильтри қўлланилди. Микроколориметрда ўлчанган сигнал У5-11 операцион кучайтиргичи ёрдамида кучайтирилди ва GO!Link (Qubit Systems, Канада) аналог-рақам конвертори орқали компьютерга (Pentium IV) узатилиб, Logger Lite (Qubit Systems, Канада) махсус дастури ёрдамида 100 Гц частотасида қайд қилинди. Биз, гипоосмотик стресс шароитида хужайра ҳажмининг тикланиши жараёнини миқдорий тавсифлашда, RVD (Regulatory Volume Decrease; ҳажм бошқарилишининг камайиши параметридан фойдаландик, куйидаги формула орқали ифодаланади:

$$RVD = (T_{max} - T_0) / (T_{max} - T_{15}) * 100\%$$

T_0 и T_{max} – бошланғич ва максимал ёруғлик ўтказувчанлик бирлиги, T_{15} – гипоосмотик стресс бошланганидан 15 минутдан кейинги ёруғлик ўтказувчанлик. Хужайра ҳажмининг тўла тикланишида RVD=100%. Ҳажм бошқарилишининг тўла камайишида RVD=0.

Гипотоник эритмага ЛО 10 мкг/мл концентрацияда таъсир этирилганда, гипоосмотик муҳитда тимоцитлар ҳажми бошқарилишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмади. Навбатдаги тадқиқотда, ЛО

фракцияларининг концентрациси 100 мкг/мл гача оширилди. Олинган натижалар 3-расмда келтирилган.



3-расм. ЛО нинг (100 мкг/мл) тимоцитлар хужайра ҳажми ўзгаришининг кинетикасига таъсири.

Чапда- тимоцитлар суспензиясининг ёруғлик ўтказувчанлиги ўзгариши регистрациясининг оригинал ёзуви кўрсатилган; (А); Ўнгда – гипотоник муҳитда бўкишдан кейин хужайра ҳажми тикланишининг % кўрсатилган (Б).

Илова : 1- $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ёрдамида 50% ли чўктириши ёрдамида олинган супернатант; 2 - $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ёрдамида 20% ли чўктириши ёрдамида олинган супернатант; 3-умумий оқсиллар; 4- $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ёрдамида 50% ли чўктириши ёрдамида олинган чўкма ; 5- $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ёрдамида 50% ли чўктириши ёрдамида олинган чўкма.

3-расмда кўрсатилганидек, ушбу шароитда барча тадқиқ қилинган фракциялар тимоцитлар ҳажм бошқарилишига статик жиҳатдан сезиларли даражада ингибирловчи таъсир кўрсатган. LO_{50} ва LO_{20} фракциялари нисбатан фаоликни номоён қилди, яъни, назоратга нисбатан ҳажм бошқарилишининг камайиши $14.9 \pm 1.5\%$ ва $7.1 \pm 1.5\%$ га тенг бўлди.

Шундай қилиб, илк бор *Cuscuta evropea* лектинсимон оксилларининг гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишини камайтирувчи таъсири аниқланган. Ўрганилаётган моддаларнинг RVD га таъсир механизми, фракцияларнинг ҳажмни-фаоллаштирувчи калийли каналларга таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Зарпечак лектинсимон оқсилларининг антиоксидант фаоллиги. Маълумки, ўсимликларнинг лектинсимон оксиллари ҳимоя вазифасини бажаради. Бошқа томондан, токсик ҳисобланган полифеноллар ҳам (госсипол) антиоксидантлик хусусиятига эга.


Шунга боғлиқ равишда, паразит ўсимликлардан *Cuscuta evropea* лектинсимон оксилларининг липидлар пероксидли оксидланиши натижасида ҳосил бўлган иккиламчи маҳсулот – малон диальдегид (МДА) миқдорининг ортишига ва антиоксидантликни ҳимояловчи фермент-супероксиддисмутаза (СОД) фаоллигига таъсири ўрганилган.

Илк бор, зарпечак ўсимлигининг умумий оксил, C_{50} ва LO_{50} фракциялари маълум даражада МДА миқдорини ва антиоксидантликни

ҳимоя қилувчи фермент- супероксиддисмутаза фаоллигига таъсир қилиб, деярли, сезиларсиз антиоксидантлик фаолликни номоён қилиши кўрсатилган.

ЛО₅₀ таъсирида ҳужайралар нобуд бўлиши динамикаси. Навбатдаги тадқиқотларимизда, инкубация вақтига боғлиқ равишда ҳужайралар нобуд бўлиши динамикаси кузатилган. Тажрибада, 20минг./мл ҳужайралар 100 мкл дан 96-ўйиқли платаларга ўтказилди. Кейин ҳар бир ўйиққа 10 мкг ЛО₅₀ таъсир эттирилди (конц.100мкг/мл). Ҳар 12 соатдан трипан кўки ёрдамида Горяева камерасида ҳужайралар сони саналди.

Натижалар 4-расмда кўрсатилган.



Расм.4. ЛО таъсирида Акат ҳужайраларининг нобуд бўлиши динамикаси.

4-расмда ЛО₅₀ таъсирида Акат ҳужайраларида цитотоксик фаоллик кўрсатилган. Ҳужайраларнинг максимал нобуд бўлиши (70%) 24 соатда кузатилган бўлиб, кейинчалик ҳаётчан, колония ҳосил қилувчи ҳужайралар моноқават ҳосил қилиб, культивирланишни давом қилган.

Цисплатин препарати эса, 24 соатда максимал таъсир қилиши 90% ни ташкил қилса, 5 суткага яқинлашганда 100% ҳужайраларнинг нобуд бўлиши кузатилган. Демак, цисплатин препарати узоқ давомий таъсир кўрсатади. Аммо, 8 суткада бир ёки иккита ҳужайраларнинг кичик колониялари пайдо бўлганлиги диққатга сазовор бўлган. Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, препарат таъсиридан сўнг қолган битта ҳаётчан ҳужайра ҳам қулай шароитда иккига бўлиниб, кейинчалик колония ҳосил қилиши мумкин экан.

ХУЛОСАЛАР

1. Сичқон ингичка ичак аденокарциномасидан Акат деб номланган янги, стабил, кўчириб ўтказилувчи ҳужайра культураси олинди.

2. Биологик фаол, жумладан, ўсмага қарши фаол моддаларни аниқлаш мақсадида экстрактлар, қуйи молекуляр массага эга ва оксил-пептид табиатли моддаларни кенг доирада скрининг қилиш учун, Акат линияси асосида эффектив тест-таҳлил тизими яратилди.

3. Илк бор, *Alhagi. L.* ўсимлигида паразит ҳолда ўсувчи *Cuscuta europea* ўсимлигидан лектинсимон оксиллар ажратилди. 20% ва 50% ли аммоний сульфат ёрдамида чўктириш натижасида ажратилган *Cuscuta europea*

лектинсимон оксиллари турли ҳужайра линияларида дозага боғлиқ бўлган юқори цитотоксик фаолликни номоён қилиши аниқланди. Акат, бачадон бўйни ўсмаси кўкрак ўсмаси ҳужайраларига (C127) нисбатан сезилувчанлиги юқори эканлиги кўрсатилди.

ЛО ўсмага қарши препаратлар таъсир кучини ошириши аниқланди. ЛО ва этопозиднинг биргаликдаги таъсири, ЛО нинг айнан ҳужайра бўлинишининг G2- фазасига ва шу билан бирга S- фазасига ҳам таъсир қилишини кўрсатди.

4. Лектинсимон оксиллар таъсирида лактатдегидрогеназа фаоллиги ортиши, айниқса, ЛО₅₀ фракция таъсирида кузатилди.

5. Илк бор, *Cuscuta evropea* уруғидан ажратилган лектинсимон оксилларинг гипоосмотик шароитда тимоцитлар ҳажм бошқарилишини камайтирувчи таъсири аниқланди. Зарпечакнинг умумий оксил, С₅₀ ва ЛО₅₀ фракциялари МДА ни маълум миқдорда камайтирди ва антиоксидантликни ҳимоя қилувчи фермент- супероксиддисмутаза фаоллигига таъсир қилиб, сезиларли даражада бўлмаган антиоксидант фаолликни номоён қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

КАХОРОВА КОМОЛА АЗАМАТОВНА

**ПРИМЕНЕНИЕ МОДЕЛЕЙ КЛЕТОЧНЫХ КУЛЬТУР ПРИ
ОПИСАНИИ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ВЕЩЕСТВ БЕЛКОВО-
ПЕПТИДНОЙ ПРИРОДЫ**

02.00.10-Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/B83

Диссертации выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biochem.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Хашимова Зайнат Саттаровна**
доктор биологических наук

Официальные оппоненты: **Хушбактова Зайнап Абдурахмановна**
доктор биологических наук, профессор

Левицкая Юлия Владимировна
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский фармацевтический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 при Институте биоорганической химии, Национальный университет Узбекистана, Институте химии растительных веществ (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871)262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (регистрационный номер ____). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки № «__» от _____ 2018).

Ш.И. Салихов
Председатель разового Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

М.И. Асраров
Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

Ш.У.Турдикулова
Председатель Научного семинара при разовом Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.б.н., доц

ВВЕДЕНИЕ (Аннотации диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике любое новое соединение независимо от предполагаемых целей его применения должно быть охарактеризовано с точки зрения его возможной токсичности и биологической активности. Поэтому для тестирования и отбора активных веществ, включая противоопухолевые, в последние десятилетия успешно применяются модельные системы вне организма, т.е. используют панели нескольких клеточных культур. Это позволяет увеличить отбор потенциальных лекарственных препаратов, которые в дальнейшем будут изучаться *in vivo*.

Анализ литературных данных в мировом масштабе показал, что наряду с существующими низкомолекулярными препаратами для терапии раковых заболеваний, наибольшее внимание в последнее время уделяется соединениям белково-пептидной природы. Среди них в качестве лекарственной альтернативной терапии рака внимание привлекает ряд препаратов, полученных из растений паразитов (*Haustoria*), в частности омелы белой. В странах Западной Европе успешно применяют препараты, получаемые из растения омелы белой в виде экстрактов (препарат Искадор, приготовленный по специальной технологии водного экстракта листьев и стандартизованный по лектину ML-1). Среди паразитирующих растений большой интерес вызывает также повилика (*Cuscuta*). В составе экстракта *Cuscuta chinensis* обнаружены противоопухолевые вещества гликозидподобной природы.

В настоящее время в Республике проведены комплексные научно-исследовательские работы и получены весомые результаты по выявлению веществ, обладающих цитотоксической активностью. В 4-м направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены задачи по «улучшению дальнейшего развития фармацевтической промышленности, обеспечению населения и медицинских учреждений дешевыми высококачественными препаратами»¹. Исходя из вышеизложенного, создание новых тест-систем на основе культур клеток для скрининга биологически активных веществ, включая противоопухолевые соединения, имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан» и от 7 ноября 2017 года УП-5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Исследования по изучению цитотоксической активности соединений на клеточных культурах начались в мире в 70-х годах прошлого столетия. (R.I. Freshney, T. Mossman). Так в национальном противораковом центре США широкое распространение получила клеточная линия эпидермоидной карциномы носоглотки KB, культура клеток карциномы человека He и др. В настоящее время во всем мире для исследования биологически активных веществ используют панели клеточных культур, состоящие из 10-ти и более культур.

